

Жахон халклари тарихидан маълумки, Ўрта Осиё жуда қадим-қадим замонлардан Шарқнинг Гарбга томон дарвозаси, иқтисодий ва маданий алоқалар узатувчи узели ролини ўйнаб келган. Шарқ халклари Гарбга томон турли мақсад сари интилишларида ҳеч қачон Ўрта Осиё ҳудудларини четлаб ўтмаганлар. Қадимда ва ўрта асрларда Евразия даштлари аҳолиси, айниқса Олтой, Жанубий Сибир, Шимолий Хитой ҳудудлари нафақат иқтисодий, балки этномаданий жиҳатдан ҳам Ўрта Осиё билан ўзаро узвий алоқада бўлган. Бу ҳақда археологик манбалар кўп фактологик материаллар беради. Археолог А.В. Виноградов бу алоқа натижаларини неолит ва энеолит даври Ўралорти, шимолий ва шарқий Қозоқистон ёдгорликлари билан қадимги Хоразмнинг қалтаминор маданияти материаллари мисолида яхши кузатади. Бронза даврига келганда, айниқса йилкичилик ривожланиб, от ва туядан тез юрвчи транспорт хайвони сифатида фойдаланиш кашф этилгач, жанубий Сибир ва Ўрта Осиё қабилалари ўртасидаги алоқалар жонланиб кетди.

Милoddан аввалги II – минг йилликнинг ўрталарига келганда Марказий Осиёнинг чўл ва дашт минтақаларида, айниқса унинг Жанубий Сибир, Тоғли Олтой, жанубий – шарқий Ўрол орти районларида, Қозоқистон даштларида чорвадор қабилалар ҳаётида туб социал-иқтисодий ва этномаданий ўзгаришлар юз бердики, дашт аҳолиси орасида мулкий табақаланиш жадал кечди, дашт аҳолисининг асосий бойлиги ҳисобланган чорвага бўлган мулкчилик ўша даврнинг харбий аслзодалари – сардорлар: қабил ва уруг бошликлари кўлида тўплана бошланди, ўша давр жамиятининг аристократия табақаси, озод ва эркин мулк эгалари пайдо бўлди. Ем-хашак захиралари етарли бўлган минтақаларда чорва молларини тез кўпайиши бу табиий ҳол. Буни яхши тушунган мулк эгаларининг эътибори ўша давр тақозасига кўра, отлик харбий кўрикчилар, жангавор суворийлар отрядини ташкил этишга қаратилди. Эндиликда чорвадор аслзодаларнинг иқтисодий юксалишидаги асосий омил чорва молларини мунтазам ем-хашак захиралари билан таъминлаб бориш бўлиб қолди. Дашт аҳолисининг ҳали давлат тузилмалари шаклланмаган, қабилавий тартиб-қоидалари ҳукм сурган жамиятида янги яйловларни ўзлаштириш учун ўзаро қурашлар муқаррар эди. Ўша давр талабига кўра, чорвадорлар жамоаларида жангавор суворийлар, яъни эркин, озод харбийлар табақаси

пайдо бўлди. Улар қадимги Эрон ва Турон халқларининг муқаддас китоби Авестода турлар деб аталган мулкдор чорвадорлар, яъни орийлар эди. Орийлар бронза ва илк темир даври ижтимоий табақаси, шаклланиб бораётган дастлабки синфий жамиятнинг мулкдорлар синфи.

Археологик тадқиқотлар натижаларига кўра, милoddан аввалги II-минг йилликнинг ўрталаридан бошлаб, Ўрта Осиёнинг шимолий – шаркидан Сирдарёнинг қуйи хавзаларига Марказий Осиёнинг дашт аҳолиси жадал кириб кела бошлайди. Дастлаб улар Амударёнинг қуйи хавзаларига жойлашадилар (тозабоғёб маданияти), Уларнинг бир қисми Сирдарёнинг ўрта хавзаси, яъни Жанубий Козокстон ва Тошкент воҳасига кириб келадилар, Еттисув орқали қадимги Фарғонага (кайроққум маданияти), ундан Кайроққум орқали Уструшона ва Сугдиёна ҳудудларига кириб борадилар. Ҳозирги кунда уларнинг моддий маданият излари бутун Ўрта Осиё ҳудудлари бўйлаб кенг тарқалган. Уларнинг излари хатто Ўрта Осиёнинг қадимги дехқончилик минтақаларида, айнан Мурғоб воҳаси ёдгорликларида ҳам учрайди. Бронза давридан бошланган бу миграция жараёнлари моддий маданият ва қадимги ёзма манбалар таҳлилига кўра, мунтазам равишда то сўнгги ўрта асрларгача давом этган.

Таъкидлаш жоизки, Ўрта Осиё туб жойли аҳолисининг айнан икки қутб билан, яъни шимолий – шарқ ва жанубий минтақалар билан анъанавий узвий боғлиқлигининг заминида муҳим бир омил ётади. Бу ҳам бўлса, улар ўртасида қадим-қадим замонлардан давом этиб келган этник алоқалар эди. Биз юқорида такрор-такрор таъкидлаганимиздек, ўзбек халқи этник асосини эронзабон ва туркийгўй компонентлар ташкил этган экан, тарихий жараёни шундай кечиши табиий ҳол эди.

Дарҳақиқат, Марказий Осиёнинг қадимги аҳолиси Хитой ёзма манбаларига кўра туркийгўй бўлган. Бу ҳақда кейинроқ алоҳида тўхтаб ўтамиз. Ўрта Осиёнинг жанубий чегараларида эса қадимдан эроний тилли аҳолилар яшаб келган. Бу икки тилли аҳолининг учрашув нуктаси, чегара ҳудудлари қадимда Сирдарёнинг қуйи хавзалари бўлса, илк ўрта асрлардан бошлаб бу чегара Амударёнинг ўрта хавзаларига кўчди. Бу тарихий жараёнда туркий қабилаларнинг фаоллиги, уларнинг мунтазам равишда давом этган миграцияси бош ролни ўйнаган. Айнан шу даврдан бошлаб, жанубий Турон ҳудудлари аҳолисининг этник таркибига кўра, аксарият кўпчиллиги туркий халқлардан ташкил топганлиги учун Туркистонга айланди.

Туркистон тарихининг қадимги даврлари, унинг халки ва ҳўжалиги, турмуш тарзи ва урф-одатлари хақида, айниқса Канг давлати ва қадимги Фаргона-Даван хақида ҳамда Дахя тўғрисида Хитой ёзма манбаларида бизгача қизиқарли маълумотлар етиб келган. Бу маълумотлар қадимги Хитой тарихчилари Си Ма Цяннинг (милоддан аввалги II-I асрлар) “Тарихий хотиралар” ва Бан Гунинг (милоддан аввалги I аср) “Биринчи Хан династиясининг тарихи” асарлари орқали етиб келган. Биринчи асар (“Ши Жи”) милоддан аввалги 138-90 йилларда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олган бўлса, иккинчи асар (“Ханшу”) милоддан аввалги 138-23 йилларда бўлиб ўтган воқеаларни қамраб олган. Унинг муаллифи ўз асарини ёзишда “Ши Жи” да баён этилган маълумотлардан тўлиқ фойдаланиб, уни янги воқеалар баёни билан бойитган.

Ушбу манбалар маълумотида кўра, Хан сулоласи даврида Хитой империяси билан Хунлар ўртасида муносабатлар ёмонлашиб, Хан ҳукмдори Уди (милоддан аввалги 140-87 йиллар) хунларга қарши ҳарбий иттифокчи қидириб, бир замонлари Орол бўйларидан Шарқий Туркистон томон бориб қолган, аммо, у ерларнинг эгалари хунлар билан қелиша олмай, улар билан қайлов таллашиб, бир неча бор ўзаро тўқнашувлардан сўнг, Гарбга қеқинишга мажбур бўлган Юечжи (массагетлар қабиласи иттифоқи) қабилалари орқасидан милоддан аввалги 138 йилда ҳарбий зобит, айғокчи Чжан Цянни юбаради. Чжан Цяннинг ўз императорига ёзган ҳисоботномасига қараганда, у Шарқий Туркистонда хунлар томонидан қўлга олиниб, 10 йил асирликдан сўнг қочиб қочиб, ўз саёҳатини давом эттиради. У Қашғар орқали Қадимги Фаргона (аслида Дайюан, рус адабиётида Даван бўлиб кетган) давлатига қелади. Довонликлар уни яхши қутиб олишиб, Хитойдек буюқ давлат билан савдо-сотиқ қилиш, ўзаро муносабатларни ривожлантиришга, дўстлик алоқаларини ўрнатишга тайёр эканликларини баён қилишиб, улардан шимолда қудратли Қангуй давлати борлиги ва улар билан тинч-тотув яшаётганликларини билдирадilar. Агар лозим бўлса элчи жанобларини Қангуй қегарасигача қузатиб қўйишларини билдирадilar. Довонликларнинг илик муомилаю-илтифотларидан мамнун бўлган зобит Чжан Цян доволлик ҳамроҳ қузатувида Қангуйга жўнайди. Аммо, Қангуй ҳукмдори билан тил топаолмай, Юечжиларни қидириб, саёҳатини давом эттиради.

Милоддан аввалги 126 йилгача Юечжи қабилалари Бактрия (Хитой манбаларида “Дахя”)га бориб жойлашиб олган эдилар. Юечжиларнинг Гуйшуан қабиласи етакчилигидаги ҳукмдори билан учрашувда: “биз қоёни йўқ жангу-жадаллардан қарқадик, энди унумдор ерларга бой мамлақатда тинч-тотув яшамоқчимиз” деб, ундан рад қавобини олади. Нихоят, Чжан Цян ўз мақсадига эриша олмай, Бадахшон ва Помир орқали ўз қуртига қайтиб қетади. У Шарқий Туркистонда хунлар томонидан яна қўлга олиниб, бир йил асирликда бўлиб, сўнг Хитойга етиб боради.

Шундан сўнг 11 йил ўтди. Чжан Цян милоддан аввалги 114 йилда император топшириги билан Ўрта Осиёга иккинчи марта саёхатга рухсат олади. Энди у 300 кишидан иборат карвонга бош бўлиб, йўлга чиқади. Карвонда бир неча минг пулга тенг олтин ва қумуш, қимматбаҳо шойи-атласлар Ўрта Осиё подшоликларига савга-салом учун олиб олади. Сафар катнашчиларининг озик-овқатлари учун ўн мингдан ортиқ сизир ва қўйлар карвон билан жўнатилади. Сафардагиларнинг хар бирига иккитадан от берилади. Чжан Цяннинг ўзи Усун, Кангуй ва Дайюанга йўл олган карвонга бош бўлади. У Хиндистон ва Араб мамлакатларигача борадиган карвонлар ажратиб, уларни ҳам қўп моллар билан таъминлаб, махсус элчиларни юбаради [1] Улар Иссиқ қўл орқали усунларга бориб, у ердан гарбий мамлакатларга махсус топшириқлар билан ўз айгокчиларини карвонларга қўшиб юбаради. Унинг айгокчилари Парфиягача кириб борадилар ва турли маълумотлар олиб келадилар. Чжан Цяннинг ёзишича, ўша кезларда Кангуй давлатининг жанубий чегара районлари Бактрияни эгаллаган Юечжилар таъсирида, унинг шимолий-шарқий чегара районлари эса хунлар таъсирига тушиб қолган эди. Зобит берган маълумотлардан келиб чиқадиган хулоса шуки, милоддан аввалги II – асрнинг охирида Кангуй давлатида иктисодий ва харбий танглик юз беради. Чунки, Хитой билан хунлар ўртасида бошланган жангларга Кангуй ҳам (хунлар томонида) тортилган бўлиб, бу урушда хунлар енгилди, аммо Кангуй, хар қалай, ўз мустақиллигини саклаб қолган эди.

Милоддан аввалги I – асрдан бошлаб Кангуй яна ўзини ўнглаб олади. Мана шу воқеалар таъсири бўлса керак, Хитой элчиси Чжан Цян император саройига юбарган хисобатида Кангуй хақида шундай ёзади: “Кангуй мағрур ва қўрс. У бизнинг элчиларимиз олдида таъзим қилишни ўзига эп қўрмади ва бутун фел-атвори билан ҳоким номидан унинг олдида юбарилган бизни амалдорларимизни қўпгина давлат элчиларидан, хатто усун элчиларидан ҳам қуйига ўтказди”. Чжан Цян маълумотларига асосланиб, Си Ма Цян ўзининг “Тарихий хотиралар” асарида канглиларнинг турмуш тарзи хақида фикр юритиб, “улар урф – одатлари бўйича юечжиларга ўхшаб кетади”, деб ёзади.

Хулос, хитойликлар айгокчи дипломат, собик харбий зобит Чжан Цяннинг хар икки саёхати давомида император саройига юбарган хисобатидан сўнг, Ўрта Осиё, айниқса қадимги Фарғона ва Канг давлати, бу давлатлар аҳолисининг урф-одатлари, турмуш тарзи, ҳўжалиги ва хаёти хақида тўлиқ маълумотга эга бўладилар.

Канг давлати. Хитой манбаларида Канг давлати Кангуй ёки Канцуй деб аталган. Хитой тарихчиси Си Ма Цян ўз хотираларида кангуйларнинг жойлашиши, харбий қучи, урф-одати, уларга қўшни халқлар хақида қисқача маълумот беради. Кангуйлар хақида батафсил маълумот Бан Гу асарида ва бошқа Хитой муаллифларининг асарларида

берилган.

Кангуйларнинг хўжалиги, маданияти ва турмуш тарзи ҳақида археолог олимларнинг қовунчи маданиятига оид ёдгорликларда олиб борган илмий тадқиқот ишлари таҳсинга сазовар. Кангуй давлати ва унинг ташкил топган ҳудуди масаласида яқингача С.П.Толстов фикрига суянган ҳолда Ўзбекистон тарихида нотўғри тасаввурлар ҳукмрон бўлиб келди. Аммо, кейинги йилларда Тошкент воҳаси ва Жанубий Қозоқистонда олиб борилган кенг қўламли археологик қозишмалар Кангуй давлатининг жойлашган ҳудуди ҳақида тарихий ҳақиқатни юзага чиқарди. Бу масалада Я.Г Гуломов, С. Г. Кляшторний, Ю.Ф.Буряков, К.Ш.Шониёзов, М.И.Филанович ва бошқалар катта иш қилдилар.

Авестода Қанха, Птолемейда “қандар” (қангар), “Шохнома”да турлар деб номланган қабиласида қанлар эди. Турон подшоларининг бош шаҳри Қангдиз – ҳозирги Тошкент вилоятининг Оккўргон туманида жойлашган Қанга шаҳар ҳаробаси эканлиги аниқланди. Хитой манбаларига қўра, қангарларда давлат бўлганлиги ҳақида маълумотлар бор. Искандар ҳарбий юришларидан кейин Ўрта Осиёнинг қадимги эрксевар қўчманчи қабилалари жанубда Юнон-Бактрия давлати ташкил топгач, дарҳол шимолда қўчманчи қабилалар ва ўтроқ аҳоли маҳаллий ҳокимликлари иттифоқи асосида ўз давлатини туздилар. Бу давлат ярим ўтроқ, ярим қўчманчи қабилалар конфедерацияси сифатида ташкил топган Қанг давлати эди. Мунтазам ҳарбий қучга эга бўлган бу давлат Ўрта Осиё жанубида таркиб топган юнонлар ҳукмронлигига қарши қаратилган эди.

Шуниси алоҳида таҳсинга сазоварки, бу давлат аҳолиси икки тилда (сугдий ва туркий) сўзлашувчи қабиласи ва элатлардан ташкил топган бўлиб, бу заминда яшовчи қадимги эроний тилларда сўзлашувчи туб жойли халқларнинг Жанубий Сибир, Олтой, жанубий-шарқий Ўралорти, Шарқий Туркистон ва Еттисув вилоятларида яшавчи туркий қабилалар билан алоқалари, яқинлашиш жараёнлари жадаллашади. Натижада, милoddан аввалги III – асрдан бошлаб Сирдарёнинг ўрта оқими районларида туркий тилда сўзлашувчи янги этнос вужудга кела бошлайди. Милодий эранинг бошларига келганда бу янги этнос сон жихатидан қўпайиб, Ўрта Осиёнинг икки азим дарёлари оралигида ва уларнинг теварак-атроф районларида ўз устунлигини таъминлайди ва улар алоҳида қангар элати бўлиб шаклланади. Ана шу элат бирлиги асосида таркиб топган сиёсий уюшма, яъни ўзбек давлатчилиқ тизимининг бошланғич қуртаги мана шу Қанг давлати эди.

Қадимги манбаларда Қанг давлатининг қандай идора қилинганлиги, давлат тузилиши

қандай бўлганлиги тўғрисида маълумотлар етиб келмаган. Аммо, тўнгич Хан сулоласи тарихида (милоддан аввалги II-I асрларда) Кангуй подшоши ўз оксоколлари билан маслахатлашиб иш тутиши хақида эслаб ўтилади. Осиёча ишлаб чиқариш принциплари асосида ташкил топган Канг давлатида оксоколлар кенгаши катта рол ўйнаган. Бу кенгашда қабила бошлиқлари, ҳарбий саркардалар фаол қатнашиб, муҳим давлат аҳамиятига молик масалалар ҳал этилган. Подшо ҳокимияти маслахат мажлиси (анчумана) билан ҳамнафасликда иш юритган. Бундай бошқарув услуби тарихда ҳарбий демократия принциплари асосида ташкил топган давлат тизими деб ном олган.

Канг давлатига қаршли ерлар бир неча вилоятлардан ташкил топган эди. Улар агар чорвадор қабилаларга тегишли минтақалар бўлса, уларни бошқариш жабу (ябгу)ларга топширилган. Канг ҳоконлари мамлакатни ана шу жабуларга таяниб бошқарар экан, улар, одатда, ҳоконларга яқин қишлоқлардан, уларнинг қавму-қориндошларидан, йирик уруг ва қабила бошлиқларидан тайинланган. Канг давлати таркибида бўлган ўтроқ аҳоли вилоятларини бошқариш эса маҳаллий ҳокимликлар тасарруфида қолдирилиб, улар ҳокон томонидан тайинланган тудунлар назоратида марказий ҳокимиятга мунтазам равишда солиқ (бож) тўлаб турган. Ана шундай тобе вилоятларга қадимги Хоразм, Сугд вилоятлари, Ўрол тоғолди районлари (аланлар, ян қабилалари) қирган.

Қадимги Хитой манбаларида Канг давлатининг чегаралари аниқ кўрсатилмасда, аммо, милоддан аввалги II- асрда Канг давлати Довоннинг шимолий-ғарбида бўлганлиги эслатиб ўтилади, яъни “Кангуй Даван билан чегарадош” дейилган. Милодий I-III асрларга оид кичик Хан сулоласи тарихида эса

Шаркий Туркистон

вилояти шимолда “қангуйлар билан чегарадош” дейилган. Хитой элчиси Чжан Цян берган маълумотларда ғарбий меридионал йўли хақида гап кетганда, бу йўл аввал Давандан, сўнгра Кангуйдан ўтиб, Янцай (аланлар) ерига ўтиб боради, дейилган. Хитой манбаларига кўра, Канг давлатининг асосий ерлари Тошкент воҳаси, Жанубий Қозоқистон, Талос водийси, Чу дарёсининг қуйи оқимлари, ундан то Сарисув дарёсигача бўлган ҳудудларни ўз ичига олган. Си Ма Цяннинг “Тарихий хотиралар” асарида ёзилишича Канг давлатининг пойтахти иккита бўлган. Манбада хабар берилишича, Кангуйнинг пойтахти Битъянда бўлган дейилади. С. П. Толстов уларни дастлаб қадимги Хоразмдан қидирди. Аммо, ёзма манбаларни археологик ёдгорликлар билан қиёсий ўрганиш натижасида олимлар Битъян (Кангдиз) Хоразмда эмас, балки Тошкент воҳасида жойлашганлигини исботладилар. Дарҳақиқат, Канг давлатининг қишки пойтахти сифатида Битъян айнан Тошкент вилоятининг Оккўргон туманида жойлашган Канкатепа шаҳар ҳаробаси эканлиги аниқланди.

Канка, яъни қадимги Кангдиз (Битъян) қадимги ипак йўли йўналишида жойлашган, милоддан аввалги III- асрда қад кўтарган йирик шаҳар бўлиб, унинг бизгача сақланиб

колган майдони 150 га. Унинг атрофи муҳофаа деворлари билан ўраб олинган. Шахар майдонида Канг хоконининг ўрдаси, шахар ибодатхонаси, савдо-сотик ва хунармандчилик мавзелари, йўллар, хавузлар, бозор майдонлари, турор-жой массивлари очиб ўрганилган. V аср ўрталарига келиб Канг давлати парчаланиб кетади, Канка эса энди Чоч маликларининг пойтахти бўлиб қолади. Бундай хулосага келишга гувоҳлик берувчи қўлимизда ашёвий далиллар бор, яъни Канкадан V асрга оид Чоч маликаларининг расми туширилган тангалар, лойга Чоч маликаларининг суръати босилган буйумлар топилган. Хитой манбаларида Канг давлати хоконларининг кишки пойтахти Битъяндан бошқа ёзги қароргохи ҳам бўлган дейилади. Канг давлатининг ёзги қароргохи манбаларда эслатиб ўтилган Тарбанд (хозирги Ўтрор шаҳри харобаси) шаҳри эди. Тарбанд топоними VIII асрга оид туркий тош ёзувида “Кангу-Тарбанд” деб эслатилади. Тарбанд (Ўтрор) Канг давлати парчаланиб кетгач (V аср ўрталари), Чоч давлатининг таркибида қолади.

Шундай қилиб, Канг давлатининг иккита маркази бўлган. Улардан бири Канка (Кангдиз) бўлиб, у Тошкент воҳасида, Сирдарёга яқин ерда жойлашган. Бу шаҳар археологик тадқиқот натижаларига кўра, милоддан аввалги III – асрда бунёд этилган бўлиб, у Канг подшоларининг доимий қароргохи бўлган. Арис дарёсининг қуйи оқимида жойлашган Ўтрор (Тарбанд) эса Канг давлати хоконларининг ёзги қароргохи бўлган. Қадимги Хитой манбаларида кангарларга қарашли 5 та вилоят тилга олинади. Улар Сусие, Фуму, Юни, Ги, Юеган бўлиб, бу номлар Хитой тарихчилари томонидан берилган маҳаллий номларнинг хитойча таржималаридир. Тарихий жойлар ва шаҳарлар номларини хитойлаштириш (шундай ҳолат юнон тарихчиларида ҳам учрайди) хансуларга хос улуғ Хитой шовинизмининг асосий мақсади эди. Афсуски, маҳаллий номлар бизгача етиб келмаган. Улар ҳақидаги маълумотлар хитойча ном билан қадимги хитой манбаларида учрайди.

Милоддан аввалги I аср ўрталарида тўнгич Хан сулоласига мансуб Хитой императорлари буюқ ипак йўлининг барча бўгинларида ўз назоратини ўрнатиш мақсадида аввало хунларни, сўнгра усунларни ўзига бўй сундириш йўлида сиёсат юритадилар. Милоддан аввалги 59 йилга келиб, улар Тяньшан орқали ўтган шимолий йўлнинг Ёркентгача бўлган қисмини эгалладилар. Худди шу кезларда усун ва хун муносабатлари кескинлашган эди. Бундан фойдаланган Хитой усунларни ўзига иттифокчи қилади. Кангарлар эса хунлар билан иттифокда бўлиб, усунлар устига қўшин тортиб боради. Натижада Хитой-Кангуй муносабатлари янада ёмонлашади. Чунки бу адоват милоддан аввалги II аср охиридан бошланган, яъни Канг давлати ўз ташки сиёсатида Хитойнинг Довонга уюштирган (милоддан аввалги 104 ва 101 йиллар) ҳар икки юришида Довонга мадад бўлиб турган. Милоддан аввалги 65 йилги Ёркент кўзғолончиларига ҳам кангарлар ёрдам қиладилар. Ўша кезларда кангарларга халқаро майдонда оғир йиллар бўлди. Кейинроқ кангарлар билан хунлар ўртасидаги дўстлик иттифокига зил кетади. Бунга хун ҳукмдорининг парфянлар билан дўстлик аҳдини тузилиши сабаб бўлади. Чунки парфянлар билан

кангарлар ўртасидаги алоқа ёмон эди. Натижада хунлар кангарларнинг ашаддий душмониغا айланади. Энди кангарлар Хитойга яқинлашиш йўлини ахтаради. Аммо, Кангуйга келган Хитой элчисига кўрсатилган муносабатни эслаб, Хитой сийсатдонлари Хитой-Канг ўртасида дўстлик алоқаларини тиклашга йўл кўймадилар. Хатто улар кангарларнинг хунлар билан иттифоқини ҳам бузишга муяссар бўладилар.

Хитой императорларининг кангарларга нисбатан ташки сиёсатининг заминида кудратли Канг давлатини халқаро маъқеани заифлаштиришга қаратилган эди. Буни яхши тушунган кангар аслзодалари хитойликларнинг босқинчилик ташки сиёсатига доима қарши турадилар. Милодий асрнинг 80 йилларида Хитой кўшинлари Канг ва Довонни эгаллаш учун юриш бошлайди. Довонликлар Канг подшоларига ёрдам сўраб мурожат қиладилар. Канг харбий кўшинлари душманни Қашгарда кутиб олади ва орада қаттиқ жанглар бўлади. Жангда кангарларнинг кўли баланд келади. Саросимага тушган Хитой дархол ёрдам сўраб қушонларга чопар юбаради. Худди шу кезларда кангарлар қушонларга хирож тўлар эдилар. Ушбу мажорага қушонлар аралашгач, кангарлар Қашгарни ташлаб чиқиб кетадилар. Хитой эса шармандалиқдан кутилиб қолади. Биринчи асрда кангарлар Бухоро ва Хоразмни эгаллайди. Аммо, бу вилоятлар тезда Канг давлати таъсиридан чиқиб, Қушон салтанати таркибига ўтади. Гарбда эса кангарлар Парфиянинг қучсиэлини қилишидан фойдаланиб, Янцайни (аланлар юртини) эгаллайди.

Канг давлатини иқтисодий ҳаётига келсак, Хитой тарихчиси Си Ма Цян уни кўчманчилар давлати деб ёзади. Аммо, милодий эранинг бошларига оид тўнғич Хан сулоласининг тарихида кангуйларни ўтроқ халқ эканлигига ишора қилинади. Кангуйларда қора мол ва қўйлар кўп бўлган, улар зотли отларни кўплаб етиштирганлар, чорва молларининг кўпчилиги Канг подшолари ва уларнинг яқинларига қараган, деб эслатилади Хитой манбаларида. Шунинг учун бўлса керак, Канг ҳокони ва унинг уруглари баҳор келиши билан қишқи қароргоҳдан ёзқи қароргоҳга кўчиб юрган. Чорваси қам овам аҳоли эса воҳадан чиқиб кетаолмаган. Бу вазият кангарларнинг қамбағал қисмини ўтроқ ёки ярим ўтроқ ҳаёт кечириб мажбур этган. Хитой манбалари таҳлилига асосланган бундай ҳулосалар қовунчи ва жети асар маданиятлари ёдгорликларида олиб қорилган археологик тадқиқотлар билан ҳам тасдиқланади.

Дайюан (Даван) подшолиги. Қадимги Хитой манбаларида Канг давлатига нисбатан ҳам Даван подшолиги ҳақида кўпроқ маълумотлар қелтирилади. Қадимги Хитой тарихчиси Си Ма Цяннинг “Тарихий хотиралар” (Ши Жи“)
асарида ёзишича: “Даван Хан сулоласидан 10 минг ли (Ли қадимда тахминан 0,5 км га тенг бўлган, ҳозир эса – 576 м. деб қабул қилинган) олисда бўлиб, хунларнинг қарбий-жанубига, Хан (сулоласи) нинг айнан қарбига тўғри келади. Даванликлар авлоддан авлодга ўтроқ ҳаёт кечириб қелган экан. (Улар) дехқончилик билан шугулланиб, шоли, бугдой эқар экан. Узум қароби қикарар экан. Даванда асл отлар кўп

бўлиб, мазкур отларнинг ҳаммаси тулпор отлардан экан. Баданидан кизил тер томчилари (ялтираб) чикиб турар экан. (Даванда) шаҳар, калъа, уй – иморатлари бор, катта-кичик 70 дан ортиқ шаҳарлар бор экан. Уларда 60 минг оила (300 минг одам) яшар экан. Бу давлат аскарлари ўк-ёй, найза ишлатар экан ва улар отга минишга, ўк-ёйдан фойдаланишда мохир мерган экан. Шимолда Кангуй, гарбда Да-юечжилар, жанубий—гарбда Бактрия, шимолий—шарқда Усун, шарқда Дандан уйлик, Удун бор экан”

[\[2\]](#)

Бу асарда яъни “Ши Жи”да Даваннинг иккита пойтахти бўлганлиги, уларнинг бири Эрши бўлса, иккинчиси Ю (Ючен) эканлиги тилга олинади. Бу икки шаҳарнинг локализацияси масаласида олимлар ўртасида ҳозиргача илмий мунозара ва баҳслар давом этади.

Ўзбекистон тарихининг 1950 йилда чоп этилган нашрида

Даван ҳукмдорининг қароргоҳи Гушан (Ю-чен) ни

Ўзган шаҳри билан таққосланади, Эршини эса А.Н.Бернштамга асосланиб

Андижон вилоятининг Мархамат районида жойлашган Мингтепа деб кўрсатилади

[\[3\]](#)

, Ўз даврида Н.Я.Бичурин Эрши бу Кўкон бўлиши керак, деган гоёни ўртага ташлаган.

Э.Шаванна тахлилига кўра, Эрши шаҳри Ўратепа ёки Жиззах бўлиши керак. Эрши

шаҳрининг локализацияси масаласида А.Н.Бернштам

тахлилининг тарафдорлари

кўпроқ

[\[4\]](#)

. Аммо, кейинги йилларда Эршини локализацияси масаласида А.Анорбоев янги гоё билан чикиб, Эрши бу Эски Ахсикентдир

[\[5\]](#)

, деган асосли хулосага келади. Гушан (Ю-чен) эса Даван подшосининг ёзги қароргоҳи сифатида Қосон ёдгорлиги ўрнида бўлган, деган фикрга кўпчиллик олимлар келган.

Милoddан аввалги II асрда, яъни Хитой элчиси Чжан Цян қадимги Фарғонага келганда, у бу юрт кишлок ва шаҳарлари обод, сугорма дехкончилик ва хунармандчилик хўжаликлари юксак даражада ривожланган, кучли кўшинга эга мамлакат эди. Чжан Цян император саройига юборган

хисобатида бу мамлакатни Дайюан деб атади ва унинг аҳолиси жуда хуш муомилали, меҳмондўст, кўнгли очик одамлар эканлиги, улар кишлок хўжалиги экинларидан арпа, бугдой, шоли, беда, момик (пахта) экиб, улардан юқори ҳосил олишларини ёзади.

Дайюанликларда богдорчилик ривожланганлиги, улар узумдан кишини кайфиятини кўтарувчи ичимлик тайёрлашлари, ҳар бир хонадоннинг ер тўласида бир нечалаб катта хумларда бу ичимлик борлиги хақида шундай ёзади: “Дайюаннинг барча жойларида узум виноси тайёрлайдилар. Бой хонадонлар уни катта миқдорда тайёрлайди, бу ичимлик хумларда бир неча ўн йилларда ҳам бузилмай сақланади”

[6]

дейди. Дайюанликлар боғларида узумдан бошқа анор, бодринг, ёнгок ва бошқа мевали дарахтлар кўп бўлиб, Хитой тарихчилари бу меваларнинг Хитойда пойдо бўлишини Дайюан билан боғлайдилар.

Хитой элчиси Дайюанда кучли давлат тизими шаклланганлиги, унинг аҳолиси 60 минг оиладан (300 минг кишидан) иборат эканлиги, ҳар бир оила мамлакат мудофаасига биттадан, жаҳми 60 минг ўк-ёй ва найза билан қуролланган, от устида камондан ўк узувчи, найза санчгувчи мохир жангчилар ажратиши мумкинлиги, давлат тепасида маҳаллий аслзодалардан чиққан ҳукмдор туришини ёзиб, улардан баъзи бирларини номини хитойчага ағдариб, Мугуа, Чан Фин, Янлю деб атади. Хитой ёзма манбаларига кўра, ҳукмдорнинг ёнида унинг энг яқин қориндошларидан иккита ёрдамчиси бўлган. Ҳукмдор давлат ишларини олиб боришда оксоколлар кенгашига суянган. Оксоколлар кенгаши ҳукмдор билан биргаликда давлат аҳамиятига молик ижтимоий, сиёсий ва диний масалаларни ҳал этган. Шу билан бирга, оксоколлар кенгаши ҳукмдор фаолиятини муҳим масалаларда назорат қилиб борган. Демак, Олий кенгаш олдида ҳукмдорнинг ҳуқуқи чекланган эди. Айниқса, уруш ва тинчлик, дипломатик масалаларда ҳал этувчи куч ва ҳуқуқ олий кенгаш қўлида эди.

Хитой манбаларининг хабар беришига қараганда, ўзга давлат ва унинг қўшини билан бўлган жангларда даванликларнинг мағлубияти учун олий ҳокимият эгаси-ҳукмдор оксоколлар кенгаши қарори билан ўлим жазосига тортилган. Император Удининг “Самовий дулдуллар” васвасаси ва Даванга уюштирилган икки ҳарбий юриши Чжан Цян Дайюанда бўлганида “самовий дулдуллар”га алоҳида эътибор берган. Унинг таҳрифлашича, бундай отлар гўёки қон терлайди. Чжан Цяннинг ташаббуси билан император саройига ҳар йили иккитадан аргумак отлар юбариб туриш учун Дайюан подшоси Чангфин билан шартнома тузилади. Хитой тарихидаги бир ривоятга кўра, “Самовий тулпор”ларни кўрган Хитой императори Уди (мил.авв.140-87 йиллар) машҳур Хитой подшоси Мувонг (мил. авв. 1001- 947 й.) каби тулпор отларга миниб, гарбга саёҳат қилишни орзу қилади. Орзуга етиш иштиёқида Император Уди фол очтирганда, фолбин: “”Хосиятли отлар қуёш ботиш томондан чиқади”деб кўрсатганмиш. Удининг Хитой манбаларидаги Мувонг қилган ишларга қизиқиши бежис эмас эди. Чунки, Мувонг хитой тарихида кўп гаройиб ишлари билан машҳур улуг инсон сифатида тасвирланади. Ривоятларда у Мутайзи номи билан 8 та тулпор отлар қўшилган соябонли аравада Гарбга саёҳат қилиб, авлиё она Шивангму хузурида меҳмон бўлган. Хитой тадқиқотчилари таҳлилига кўра, Шивангму шимолий Хиндистон ва жанубий Туркистон заминида 4-5 минг йиллар муқаддам (Хиндистонда “Ума”, Туркистонда “Умай” номи билан) боқий ҳаёт рамзи, илохийлашган она образи сифатида тасвирланади. Умай онани зиёрат қилиш учун “тулпор отлар” ёрдамида қушдай ўқиб, булутларни ёриб ўтиб, минг чақирим йўллар босиб, у (Умай она) турган манзилга етиб бориши мумкин эди”

[7]

. Ривоятни тарихий ҳақиқат деб тушунган император Уди машҳур Дайюан

тулпорларини кўлга киритиб, Хоконлигини шухратини оширса “Дунё хукмдори”, “Тангрининг ўгли” деб танилишига ёрдам беради деган орзу-хавасга берилади. Шу боис, у ашаддий душмони хунларга қарши харбий иттифокчи кидириш билан бирга айгокчи зобит Чжан Цянни гарбий мамлакатларга юбарган. Зобит Чжан Цяннинг вазифасига нафакат иттифокчи топиш ва зотли отларга эга бўлиш кирган, балки у Дайюан, Да-юечжилар, Кангуй, Парфия каби мамлакатларнинг худудий чегаралари, уларнинг бойлиги, иктисодий кудрати, харбий кучи, турмуш тарзи ва урф-одатлари хақида

маълумотлар тўплашни кўзда тутган. Чжан Цян ахборотларида

Да-юечжилар билан Кангуй подшоликлари харбий куч жихатидан Хитойдан кучлироқ эканлиги, колган подшоликлар эса улардан харбий жихатдан кучсизроқ булиб, хунлар таъсирида эканлиги, аммо, уларнинг барчасида Хитой молларига катта кизиқиш мавжудлиги, айниқса Дайюан Хитой билан савдо-сотик қилишга иштиёқ билдириб, бу масалада улар мустақил сиёсат олиб боришлари мумкинлиги баён этилади

[8]

. Чжан Цянни Дайюанда бўлиши Хитой-Дайюан муносабатларини ривожланишига олиб келди. Хитойликлар император Удининг махсус истирохат боғларида бедазорлар ташкил этиб, Фаргона тулпорларини боқиб-сўрайдилар. Карвонлар усун мамлакатидан ҳам зотли отларни Хитойга олиб бориб, император Удини хурсонд қилишган эди. Уларни ҳам Хокон тулпор отлар сифатида эъзозлаган. Аммо, Фаргона “самовий тулпорлари”ни кўрганда, усун зотли отларини “тулпор” деб аташдан воз кечиб, уларни “узок куюш ботиш оти” деб атай бошлади, Дайюан отларига эса хақиқий “тулпор от” деган ном беради

[9]

Хитой савдо қарвонининг Ўрта Осиё мамлакатларига борган элчилари ўз ахборотларида Хитойдан гарбда жойлашган кўпгина давлатлар, жумладан Дайюан подшолигининг харбий кучлари Хитойниқига нисбатан заиф эканлиги, озгина куч билан бир ҳамла қилинса, улар ҳисобига буюк Хан сулоласининг территорияси кенгайиши мумкинлиги хақида хабар берадилар. Масалан, Дайюанга борган элчи Яв Дингхан “Даван харбий куч жихатидан ожиз. Агар 3 минг аскар юбарилса, кучли ўк-ёйлар ёрдамида Дайюанни тор-мор қилса бўлади [10]” деб ёзади. Даван билан урушни тезроқ келтириб чиқариш мақсадида сафардан қайтган элчилар: “Дайюанда яхши отлар бор. (Уни) Эрши шахрига яшириб қўйиб, Хан элчиларига бермаётир” деб арз қиладилар

[11]

. Энди Хитой императори Даванга уруш очиш учун баҳона қидира бошлайди. Император Уди аёнлари билан маслохатлашиб, Дайюан подшолигидан “самовий тулпорлар” талаб қилиб, файкулудда ҳуқуқлар билан Че Ли бошчиллигида махсус элчилар гуруҳи ташкил қилади. Элчиларга Фаргона аргумакларини сотиб олиш учун олтин ва мисдан ишланган 600 га яқин “Зар от” хайкаллари бериб, шуларга “самовий тулпорлар”ни олмаштириб қилишликни топширади

[12]

. Элчилар Эршига қелиб, совга-саломни топширсада, Дайюан подшоси улар талаб қилган миқдорда тулпорларни бериб юбариши мумкин эмас эди. Шу боис, Хитой элчилари рад

жавоб оладилар

[13]

Максадларига эриша олмаган элчилар Фаргона хукмдорига хурматсизлик килиб, уни ҳақоратлайдилар, унинг кўз ўнгида “зар от”ларни синдириб ташлайдилар [14]. Аммо, подшо мулойимлик билан оқилона жавоб килиб, элчиларни пойтахтдан чиқариб юбаради ва Юченг (Ўзган) шаҳри ҳокимининг кўли билан уларни йўқ қилган

[15]

. Шундай килиб, Хитой-Фаргона урушлари бошланиб кетди.

Хитой кўшинлари то Даванга етиб келгунларича ҳар бир кишлок ёки шаҳарда қаршиликка учрайди ва Юченг (Ўзган) да қаттиқ жанглар бўлиб, хитойлилар қатта талофат кўради. Вазиатни Хитой кўшинлари учун танглигини тушунган бош кўмондон Ли Гуангли қолган-қутган қучларини йиғиштириб, Дўн Хуанга қайтиб кетади [16].

Улар қайтишда ҳам кўп қаршиликларга учрайди. Икки йил давом этган хитойликларнинг бу биринчи юриши ҳақида манбада шундай дейилган: “Улар Дўн Хуанга қайтиб келганида кўшиннинг ўндан бир қисмигина қолган эди. Ли Гуангли Хитой ҳоконига аҳволни маълум қилади [17]. Мағлубиятдан хабар топган император Уди даргазаб бўлиб, бу ноҳуш хабарни мамлакатда тарқалиб кетишидан чўчиб, Буюк Хитой деворидан ичкарига кириб олган сипоҳ бекларининг қалласини олишга, кўшинни эса Хитойга киритмасликка фармон беради [18]. Хитой манбаларида бу мағлубият ҳақида император Удининг фикрлари келтирилган: “У Давандек кичик бир мамлакатни бўйсундира олмасак, унинг атрофидаги давлатлар яна Хан сулоласини менсимай кўяди. Усун, Бугун эллари ҳам Хан сулоласини назарга илмас бўлиб олади. Чет элликларнинг олдида масҳара бўламиз, деб ўйлар эди”

[19]

.Шармандаларча мағлубиятдан газабланган император Уди айбдорларни жазолаб

[20]

, Даванга қарши иккинчи юришга жиддий тайёргарликни бошлаб юбаради.

Манбаларда хабар қилинишича, дастлаб Хитой кўшинига қарши Даванга хайрихоҳ кишлок ва шаҳарлар қаршилик кўрсатишмаган. Аммо, Хитой кўшини Бугур хонлигига келганда (Шаркий Туркистондаги кичик бир шаҳар-давлат) улар биринчи қаттиқ қаршиликка учрайди, таслим бўлишни истамаган шаҳар аҳолиси ва аскарлари икки кун давом этган қаттиқ жангларда кириб ташланади [21]. Аммо, Хитой кўшинларидан Эршига 30 минг лашқар етиб келган эди ҳолос

[22]

. Демак, Бугурдан то Эршига боргунга қадар ҳам Хитой кўшинлари маҳаллий ҳокимликлар қаршилигига учраган ва йўл-йўлақай талофатлар кўрган, деган хулоса келиб чиқади.

Эрши химоячилари шаҳар деворлари тепасига чиқиб, шинақлардан душмонни ўққа тутишган. Қамал узокка чўзилиб (40 кун), Эрши мудофачилари таслим бўлавермагач, Хитойдан кўшин билан бирга келтирилган сув иншоатлари мутахасислари шаҳарга қирадиган сув йўлини тўсиб, шаҳарни сувсизликдан таслим қилмоққа қиришадилар [23]. Қала бошлиги қудуқлар қаздириб, аҳолини ичимлик суви билан таъминлаб туради. (Бу тадбир “Бобирномада” Бобир эслатган “Обидуз”, яъни яширин сув йўлини эслатади).

Қамал жараёнида мудофаачилар Қангуй кўшинлари даванликларга ёрдамга келаётганлигини хабар қилиб, Хитой кўшинини ташвишга сола бошлайдилар. Лекин, қанқалиқлар негадир ёрдамга шошилмас эдилар. 40 кунлик қамалдан сўнг Хитой кўшинлари девор тешар қуроллари ёрдамида шаҳар ташки мудофаа деворини бузиб қиришга эришадилар. Шаҳар аҳолиси ва мудофаачилар эса ички шаҳарга қириб олишга улгурадилар.

Кези келганда таъқидлаш жоизки, археолог А. Анорбоев “Эрши-бу Эски Ахсининг ўзгинасидир,” деган хулосага келганда, у ҳақли эди. Чунки Ахсикент шаҳри Даван ҳокони қароргоҳи жойлашган арқи аҳлодан ташқари мудофаа деворлари билан ўралган икки қисмдан, яъни ички ва ташқи шаҳристонлардан иборат. Хитойлилар ташқи шаҳристон деворларини бузиб, шаҳар ичкарасига қирганда, улар фақат ташқи шаҳристонни эгаллаган, мудофаачилар эса шаҳар аҳолиси билан ички шаҳристонга жойлашиб олишган. Бирок, узок давом этган қамал таъсирида даванлик аслзодалар орасида, орқадан Қангуйдан амалий ёрдам келавермагач, ҳовотирланиш бошланади.

Си Ма Цяннинг “Тарихий хотиралар” асарида ёзилишича, “Дайюан аслзодалари ўзаро қенгашиб” душма ҳужумининг асосида, биринчи навбатда, элчи Че Лининг ўлими ва “самовий тулпорлар”га эришиш ётганлигини муҳокама қиладилар. Ҳокон Мугуа ва унинг тарафдорлари душмонга тулпорлар бермасликка аҳд қилиб, қаршилиқ кўрсатишни давом эттириш керак, қангуйдан қиладиган ёрдамни қутиш керак, деб қатъий туриб оладилар. Ташқи ёрдамдан умидини узган аслзодалар (улар қўпчиллик бўлган қўринадилар) эса вазиятни мудофаачиларга жуда оғирлигини айтиб, хитойликлар талабини қондириш кераклигини таъқидлайдилар. Қўпчиллик аслзода ва мудофаа сардорларининг “агар душмон қуршовни бўшатмаса, қучларимиз

яна бир марта каттик жанг қилишга етади холос”, сўнг эса иложсизликдан таслим бўламиз. Хитойликларнинг талабидан келиб чиқиб, кайсар Мугуани ўлдириб, тулпорларни уларга чиқариб бермасак бўлмайди, деган қарорга келадилар.

Нихоят, оксоқоллар кенгаши бир қарорга келади. Бунга кўра, Мугуа ва “самовий тулпорлар”ни душмонга топширишга келишилди. Аслзодалар биргаликда Мугуани ўлдирди [24]. Сўнг эса Хитой манбаларида хабар беришига қараганда, “Аслзодалар Мугуани қалласини кўтариб келиб, “Эрши сангун” (Эрши юришининг кўмондони) билан кўришди ва шарт қўйиб, “Хан кўшинлари бизга хужум қилмасин! Биз асл отларни чиқариб берамиз. Ўзларинг танлаб оласизлар ҳамда озик-овкат билан таъминлаймиз. Агар гапимизга қирмасаларинг барча “тулпорлар”ни ўлдириб ташлаймиз. Кангуйдан келадиган кўшин ҳам келиш олдида турибди. Улар етиб келиши ҳамон, бизнинг кўшинларимиз ички томондан, Кангуй кўшинлари ташқаридан Хан кўшинларига хужум қилади. Қайси бирига розисизлар” дейдилар [25].

Эрши мудафаачилари томонидан таклиф қилинган шартларни Ли Гуангли штабида ҳар томонлама муҳокама қилган кўринади. Даванликлар ваъдага вафо қилиб, хитойликларга 3 минг зотли отларни танлаб олишларига имкон беради. Бош кўмондон Ли Гуангли Фаргона давлатининг собиқ ҳукмдори кекса Моцайни Даванга подшо этиб тайинлайди. Ли Гуангли армияси тегишли озик-овкат захираларини олиб, бир неча гуруҳларга бўлиниб, Эршини тўли к эгаллай олмай, Хитойга қайтади [26].

. Гуруҳларга бўлиниб, Хитойга қайтган кўшин ичида каттик тартиб бўлмаганлигидан, армия сафига олинган собиқ жиноятчилар йўл-йўлакай қишлоқ ва шаҳарларни талайдилар. Ўзган аҳолиси хитойликлар талаб қилган озик-овкат ва ем-хашак етказиб беришдан бош тортиб, Ўзганда талончилик билан шугулланаётган Хитой отрядини бутунлай қириб ташлайди. Теварак-атрофни талаш билан банд ҳарбий қисмлар яна Ўзганга қайтиб, икки орада каттик жанглар бўлади. Ўзган мудофаачиларидан Канг давлатига қочиб кетган шаҳар ҳокимини хитойликларга топширишни талаб қилинади ва уни қўлга қиритгач, бошини танасидан жудо қилдилар. Бирок бу ҳам Хитой кўмондонлигини қаноатлантирмайди. Ўзган мудофаачилари янада каттик қаршилик кўрсатишга ўтадилар. Натижада Хитой отряди катта талофат кўради. Қочиб қутилган душман аскарларининг қолдиқлари зўрга “Эрши сангун” кўшинига бориб қўшилади [27].

. Хитой армияси

Давандан чиқиб кетиши биланок, аҳоли кекса Моцайни тахтдан тушуриб, Мугуанинг инисини хукмдор қилиб қўтардилар.

Фаргона юришида Хитой учун катта талофатлар бўлишига қарамай, хокон Уди Ли Гуанглини катта галаба билан табриқлаб, унга “Хансу тўраси” унвонини беради ва 8 минг хонадонли ер суюрғол қилинади. Урушда қатнашган 3 харбий амалдор вазир этиб тайинланади, 1000 қопдан ортиқ маош оладиган одамлар сони мингдан ошиб кетади. Урушга сафарбар қилинган бандитлар гунохидан ўтилиб, уларга берилган жазо ҳукмлари бекор қилинади. Аскарларга 40 минг пул ёки ўша пулга тенг келадиган молу-дунё инъом қилинади [\[28\]](#)

Шундай қилиб, Хитой қадимги Фаргона подшолигига қарши хар иккала юришида ҳам амалда қолиб қолган эмас. Биринчи юришда Эршига етиб кела олмади, Лубнорда қаттиқ қаршилиққа учраб, Ўзганда катта талофат қўриб, Хитойга қайтиб кетган. Иккинчи юришда урушга пухта тайёргарлик қўришига қарамай, Эршини батомом таслим этаолмай, атиги 3 минг от ва Мугуани ўлимига эришиб, 50 мингдан ортиқ аскардан ажраб ватанига қайтиб кетди. Даван эса дипломатияни ишлатиб, она Ватанни мардларча химоя қила олди, Хитой олдида мустақилликни сақлаб қолди. Қичик бир подшолик антик даврининг буюқ империяларидан бири Хан сулоласини қўзини очиб қўйди. Бу даванликларнинг буюқ галабаси эди. Аждодларимизга хос ватан озодлиги, ватан қайғуси билан яшаш, унинг парлок келажаги йўлида мардларча курашга доим тайёр бўлган халқнинг она-ватанга бўлган садокатининг бир намунаси эди.

Кушонлар антик даврининг қудратли давлатларидан бири сифатида Хувишка, Васидева (Васишка) даврида ҳам Қанишка олиб борган давлат сиёсатини давом этдирадидлар. Негадир, Кушон империясининг III-IV асрлар давридаги сиёсий ҳаёти ҳақида ёзма манбалар деярли маълумот бермайди. Археологик манбаларни қамқаб ёзма манбалар билан қиёсий ўрганиш натижаларига асосланиб, тарих фанида кушонлар III асрдан бошлаб орқага қетабошлайди, деган тасаввур шаклланган. IV аср охириларида қелиб, бир томондан сосонийлар, иккинчи томондан хионийлар ва қидарийлар томонидан берилган зарбалар натижасида кушон давлати парчаланиб, факатгина Маргиёнадаги сосоний ҳукмдорида “кушоншоҳ” унвони сақланиб қолди холос.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, қадимги Бактрияда бошланган кушонлар даври тарихи милoddан аввалги I аср охириларида (Гуйшуан князи Қудзуло Қадфис ўзини Гуйшуан подшоси деб эълон қилгандан) милодий IV аср охириларида бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр икки босқичдан иборат. Биринчи босқич илк кушонлар (Қадфис 1, Вима Такто ва Қадфис 2) даври бўлиб, бу даврдаги кушонлар тарихи асосан

Ўрта Осиё ҳудудлари билан боғлиқ. Иккинчи давр-Канишка ва унинг ворислари даври бўлиб, қушонар тарихининг сиёсий майдони асосан шимолий-ғарбий Хиндистон бўлиб қолади.

[1] Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. Ханнома. Ўримчи-1994, 452 бет.

[2] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. Тарихий хотиралар (“24 тарих” даги Ўрта Осиёга оид материаллар тўплами) . Урумчи- 1989, 489-490 бетлар.

[3] История народов Узбекистана, том 1, стр.110. Ташкент-1950.

[4] Матбобоев Б.Х. Ўзбек давлатчилигининг илк босқичларида Фаргона. 35-36 бетлар. Тошкент-2001/

[5] Анорбоев А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсиқент. «Ўзбекистон тарихида қадимги Фаргона» тўплами. 10 -11 бетлар. Тошкент-2001.

[6] История народов Узбекистана. Том 1, Ташкент-1950, стр.110.

[7] Курбон Вали. “Шивонгму” ривояти хақида янги мулоҳаза. “Бизнинг тарихий ёзувларимиз” Урумчи -1986, 37 бет.

[8] Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. Ханнома. Ўримчи-1994, 447-449 бетлар.

[9] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. Тарихий хотиралар. 526 бет.

[10] Си Ма Цян. Ўша асар, 508 бет.

[11] Си Ма Цян. Ўша асар, 508 бет.

[12] Ўша асар, 508, 527 бетлар; Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи..., 457 бет.

[13] Си Ма Цян, ўша асар, 508 бет.

[14] Ўша асар, 508 бет.

[15] Си Ма Цян. Ўша асар, 508; Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи., 458 бет.

[16] Ўша асар, 510 бет.

[17] Си Ма Цян. Ўша асар, 510 бет.

[18] Ўша асар, 510 бет.

[19] Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи., 460 бет.

[20] Си Ма Цян. Тарихий хотиралар, 511 бет.

[21] Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. ..., 462 бет.

[22] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. Тарихий хотиралар. 1 жилд. Ўримчи-1989. 512 бет.

[23] Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли таржимаи холи. ..., 462 бет.

[24] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. "Тарихий хотиралар", 512-513 бетлар.

[25] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. "Тарихий хотиралар." 513 бет.

[26] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. "Тарихий хотиралар", 513-514 бетлар.

[27] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. "Тарихий хотиралар". 515-516 бетлар.

[28] Си Ма Цян. Фаргона тазкираси. "Тарихий хотиралар", 516 бет; Бан Гу. Чжан Цян, Ли Гуангли...466 бет.